

Тасдиқлайман

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
раисининг ўринбосари


М. Ё. Эшматов

2014 йил «26» сентябрь

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти тўғрисида
расмий веб-сайтда жойлаштириладиган ахборотлар
РЎЙХАТИ**

1. Марказий банк фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қуйидагилар киради:
Марказий банк ва унинг таркибий-худудий бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
Марказий банк томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банк томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банк томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банк томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банк томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банкнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;
амалга оширилишида Марказий банк иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банк фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқ ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банк томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;
бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банк томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;
Марказий банкнинг очик ҳайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби.
Марказий банк фаолияти тўғрисидаги ахборот жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.
2. Юқорида қайд этилган маълумотларни расмий веб-сайтда тўлиқ ва ўз вақтида жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун тақдим этишга таркибий бўлинмалар (департаментлар ва мустақил бошқармалар), худудий бошқармалар, шунингдек Марказий банк тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари масъулдирлар.